

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**43** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 1999 йил 10 июндаги ПФ–2326-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 1999 йил 10 июндаги ПФ–2326-сон Фармонига қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

7-бандидаги «Вазирлар Маҳкамасининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президентининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илованинг 5-бандидаги «Вазирлар Маҳкамасига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг 3-бандидаги «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари «Президенти» сўзи билан алмаштирилсин;

2-илованинг 4-банди «г» кичик бандидаги «Вазирлар Маҳкамасига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига» сўзлари билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 2 март,  
ПФ–3578-сон